

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ЖИХАТДАН
ХАВФЛИ АҲВОЛДА БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА
НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**

Турсунова Марҳабо Баҳодировна

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси

A R T I C L E I N F O .

Калит сўзлар: вояга етмаган, гайриижтимоий хулқ-атвор, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Аннотация

Ушбу мақола орқали вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларниң профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, ҳуқуқбузарликларниң профилактикаси фаолиятининг тушунчаси, асосий ҳусусиятлари, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлил килиниб, фаолиятни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган .

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2024 LWAB.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади².

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларниң дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юритимизниң ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя фаолиятимиз мезонига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли фармони. <http://www.lex.uz.2022>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли фармони.

айланмоқда³.

Ўтган қисқа давр ичида мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, унинг натижасида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими изчил ислоҳ этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 апрелдаги 5005-сонли фармони, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш тўғрисида” 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли қарорида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини барвақт таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоатчилик органлари билан ҳамкорликни самарали ташкил этиш каби қатор вазифалари белгилаб берилган⁴.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Қонунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларини олдини олиш, шунингдек ушбу соҳадаги тушунчалар бериб ўтилган. Хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, ҳозирги пайтда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб муаммолардан биридир. Чунки келгуси ишларнинг давомчилари айнан ўсиб келаётган ёш авлоддир, улар давлатнинг келажагини ҳамда эртанги куни ва тақдирини белгилайди. Вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилаётган, содир этилиш мумукин бўлган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бугунги мамлакатимиз тарққиёти ҳамда тинчлиги-осоишталиги учун қанчалар долзарб муаммо эканлигини ва уни амалга ошириш қанчалик зарур ва шарт бўлаётганлигини бугунги куннинг статистикаси ва таҳлилларида ҳам кўришимиз мумкин.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш келгусида уларнинг содир этилишига йўл қўймасликка қаратилган ҳуқуқбузарликлар профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб масалалардан биридир. Шу боисдан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш-тарзини тарғиб этиш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантириш, ёшлар онгода ватанпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатларни камол топтиришда “оила-маҳалла-мактаб” ҳамкорлигини йўлга қўйиши⁵ масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали ҳалқпарвар давлат барпо этиш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, жиноятчиликка қарши қурашиб ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2017 йил 23 дек.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги 2896-сон қарори. <http://www.lex.uz.2022>

⁵ Шермуҳамедов К. Экстремизм, терроризм ва ахборот хуружлари тараққиётга таҳдид сифатида // Трансмиллий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши қурашиб: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 122 б.

мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш⁶ каби вазифалар назарда тутилган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясида нотинч оиласалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналарининг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоголь ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирлар, семинарлар ўтказиш, буклет, плакат, кўргазмали қўлланмалар чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилиш⁷ каби қатор вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март куни қабул қилган Фармони талаблари асосида ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсиридан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳукукий механизмларини жорий этиш мақсадида “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш иш соҳасида Ички ишлар органлари фаолияти ни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони қабул қилинди.

Таъкидлаш керакки, ушбу меёрий-ҳукукий ҳужжатлар асосида Ички ишлар органларининг фаолияти такомиллаштирилди, янги техник воситалар билан таъминланди, ҳар бир маҳаллада ички ишлар органларининг маҳалла ҳукуқ-тартибот маскани ташкил этилиб⁸, профилактика инспекторларининг бошқа соҳавий хизматлар ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлиги янада яхшиланди. “Буларнинг барчаси «жиноят содир этилганидан кейин уни содир этган шахсни фош этиш»дек эски усулдан воз кечиб, “жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларнинг жиноят содир этишига йўл қўймаслик, жиноят содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш”дек янгича усулга ўтишга имкон берди”⁹.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳукуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш, шу жумладан вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар, аввало, кенг жамоатчиликнинг иштироки билан 2023 йилда умумий жиноятчиликни 36 фоизга камайтиришга эришилди, 3 минг 205 та ёки 35 фоиздан зиёд маҳаллада эса бирорта ҳам жиноят содир этилмади¹⁰.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, ёшлар ўртасида ҳалқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда. Шу боис, уюшмаган ёшлар томонидан содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашиш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш сиёсатимизнинг устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифасига айланди.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 й. <http://www.lex.uz.2022>

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 й. <http://www.lex.uz.2022>

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳаисда Ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони. // URL: <http://www.lex.uz.2022>

⁹ Мухамедов Ў.Х. Замонавий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. — Б. 33.

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруза // Ҳалқ сўзи. – 2020. – 8 дек.

Таъкидлаш керакки, «вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш тизимини уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашга, ўсиб келаётган ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик фояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ҳолда ривожлантириши»¹¹ муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини, шу жумладан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятни ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда бу йўналишда амалга оширилган ишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш самарали профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур масалага илмий нуқтаи назардан қараганда, ҳар қандай хуқуқбузарликнинг содир этилиши, хусусан уюшмаган ёшлар томонидан содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг сабаб шароитларини ўрганишда ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлганларни ахлоқан тузутиш, уларнинг ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқаси ва таъсирини ўрганиш лозим. Бунда шахс онгода мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-атвор хуқуқбузарликнинг сабаби сифатида гавдаланса, хуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит хуқуқбузарликнинг содир этилишига имконият яратган шарт-шароит тариқасида ифодаланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаси жиноятларни барвақт аниқлаш ва олдини олишдан иборат»¹².

Профилактика инспекторларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятида *биринчидан*, вояга етмаганлар томонидан содир этилган хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, хисобини юритиш ва бартараф этиш борасида самарали чораларни ишлаб чиқишига; *иккинчидан*, ушбу тоифадаги шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга; *учинчидан*, хуқуқбузарлик содир этишга мойил, вақтинча ишсиз, назоратсиз ва қаровсиз ахволда бўлган вояга етмаганлар ва ёшларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан профилактик ишларни тўғри ташкил этишга; *тўртинчидан*, уюшмаган ёшлар томонидан содир этилган хуқуқбузарликларнинг сабаб шароитлари ҳақида хуқуқий тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш борасида хуқуқий тарғибот ишларини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишини таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони билан ҳар бир туман (шаҳар)да ички ишлар органларида профилактика инспекторларига ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун жавобгар қилиб белгиланганлиги натижасида мазкур соҳада амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги анча ижобий томонга ўзгарди. Айниқса, ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилаётган “Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни” тадбирлари доирасида ҳамкорликда маҳаллаларда хонадонларга уйма-уй кириб, оиласдаги маънавий-ижтимоий муҳит, содир этилган жиноятларни ўша куннинг ўзида муҳокамаси таъминланиб, оила-турмуш доирасидаги хуқуқбузарликларнинг сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилаётганалиги, бир сўз билан айтганда, жиноятларни барвақт олдини олишга эътибор

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси булинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон қарори. <http://www.lex.uz.2022>

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳалқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 10 ноябр.

қаратилаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Профилактика инспекторлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда:

- ички ишлар органлари фаолиятини юридик таъминлаш ва уларнинг қонун ижодкорлиги ҳамда ҳукуқни қўллаш амалиётида қонунийликка риоя этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- қонунчилик ва ҳукуқни қўллаш амалиётида ҳукуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитлари бўлган омилларни аниқлашни таъминлаш, шунингдек уларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш;
- қонунчилик ва ҳукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳукуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек уларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига белгиланган тартибда киритиши;
- ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, улар зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш масалалари бўйича норматив-ҳукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- норматив-ҳукуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиши¹³.

Қайд этиш жиозки, уюшмаган ёшлар ўртасида ҳукуқбузарликлар профилактикаси сабаб ва шароитларини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси VI-бўлими, 36-бобида¹⁴ белгиланган нормалар муҳим ҳукуқий асос бўлиб хизмат қиласди. Жумладан, кодекснинг ушбу боби жиноятларнинг олдини олиш чораларига бағишлиланган бўлиб, унда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти (296-м.), жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси (297-м.), жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суднинг хусусий ажрими (298-м.), тақдимномани ва хусусий ажримларни бажариш мажбурияти (299-м.), фуқаро ижтимоий бурчини намунали бажарганилиги тўғрисида тақдимнома ва хусусий ажрим (300-м.) билан боғлиқ масалалар тартибга солинган.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда қонун ҳужжатларида қуидагилар таклиф этилади:

- a) вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг содир этилишини асл сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича марказлашган электрон маълумотлар базаси юритилишини йўлга қўйиш;
- b) вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг содир этилишини асл сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш ишларининг аҳволини ҳар ойда бир маротаба халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари сессияларида танқидий муҳокама қилиш ва айборд шахсларнинг жавобгарлигини катъий кўриб бориш тартибини жорий этиш;
- c) майший зўравонлик билан боғлиқ жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар, хусусан уюшмаган ёшлар билан профилактик ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида «майший зўравонликка мойил шахслар»ни профилактик ҳисобга олиш юритиладиган шахслар

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сон «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори // URL: <http://www.lex.uz.2022>

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz.2022>

доирасига киритиш;

- d) оғир ёки ўта оғир жиноятнинг содир этилиши сабаблари ҳамда унга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимнома (хусусий ажрим)ни бажармаслик учун жиноий жавобгарлик белгилаш, хусусан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини қуидаги мазмундаги 207¹-модда (тақдимнома (хусусий ажрим)ни бажармаслик) билан тўлдириш: “Ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан давлат органи, жамоат ёки бошқа ташкилот раҳбарига киритилган оғир ёки ўта жиноятнинг содир этилиши сабаблари ҳамда унга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимнома (хусусий ажрим)ни бажармаслик –“.

Қайд этиш жоизки, оғир ёки ўта жиноятнинг содир этилиши сабаблари ҳамда унга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимнома (хусусий ажрим)ни бажармаслик учун жиноий жавобгарлик белгилаш, профилактика инспекторларининг ваколатларини алоҳида меҳанизмлаштириб белгилаб бериш ҳақидаги таклифимиз мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, биз тадқиқот жараёнида ўтказган анкета сўровда иштирок этган мутахассислар (ички ишлар органлари бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринbosарлари – хукуқбузарликлар профилактикаси бўлим (бўлинма) бошликлари, профилактика инспекторлари)нинг 98 фоизи ушбу таклифни маъқуллашган, 2 фоизи саволга жавоб беришга қийналишини маълум қилишган.

Оғир ёки ўта оғир жиноятнинг содир этилиши сабаблари ҳамда унга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимнома (хусусий ажрим)ни бажармаслик учун жиноий жавобгарликни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 207¹-моддасида белгиланишини ушбу кодекснинг 207-моддасида мансабга совуққонлик билан қараш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг хукуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ўхуд давлат ёки жамоат манфаатларига қўп миқдорда зарар ўхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши учун жавобгарлик белгиланганлиги билан изоҳлаш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бола тарбияси оиладан, болалар боғчасидан бошланади. Уларнинг онгига миллий ахлоқ-одоб, юрга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғуларини сингдиришни айнан шу даврдан бошлаш керак. Бу жараён мактаб, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларида давом эттирилиб, шу йўл билан такомиллаштириб борилади.

Бугунги кунда вояга етмаганларнинг маънавий савиясини юксалтиришда замонавий имкониятлардан унумли фойдаланиш масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, ислоҳотлар натижаси ўлароқ, ўқув муассасаларида ахлоқий мавзудаги телефилмлар намойиши йўлга қўйилди. Шунингдек, вояга етмаганлар хукуқбузарлиги ва жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган хужжатли фильмлар яратилиб, ўқув муассасаларига тарқатилмоқда. Вояга етмаган шахсларнинг хукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларга риоя этилишини таъминлаш юзасидан ҳудудий комиссиялар билан яқин ҳамкорликда оналик ва болаликни муҳофаза этиш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш, жисмоний имконияти чекланган ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтоҷ гурухларга кирадиган болаларни аниқлаб, уларнинг тарбияси билан банд бўлишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада ўтказилган тадбирлар натижасида ўтган йили вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатларда сезиларли пасайиш юз берди. Ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жиноий ва маъмурий жавобгарлик тўғрисида қонун хужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Айниқса мамлакат келажаги қурувчиси ҳисобланган ёшлар, вояга етмаганлар ўртасида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, улар ўртасида профилактик чора тадбирларни кучайтириш мақсадида Ички Ишлар органлари тизимида Вояга етмаганлар ишлари бўйича инспектор психолог штатларининг жорий қилиниши вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳукуқбузарликларнинг камайишига олиб келди. Шундай бўлсада ушбу тизимда бир қанча муоммо ва камчиликлар мавжуд. Шу сабабли ҳам вояга етмаганларнинг содир қилган жинояти ҳанузгача якун топгани йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзиёев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳукуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ти 2010 йил 29 сентябрь қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.– 2010. –№ 39. –341-м.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2014. –№ 20. – 221-м.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги 2016 йил 14 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2016 й., 37-сон, 426-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017 –№ 6.–70-м.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишини таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. –№ 15. – 243-м.